



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**К.О.Холиқов, Р.Ҳ.Дўсанов**

**РАҚОБАТ :**

**назарияси, шаклланиши ва усуллари**

**(илмий рисола)**

**Термиз – 2009**



Иқтисодиётни тартибга солувчи, “кўзга кўринмас қўл” рақобатдир. Шундай экан, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг қай даражада ривожланиши шу давлатдаги рақобат муҳитининг амалдаги ҳолатига боғлиқ бўлади. Зеро, рақобатни ривожлантirmай ва уни химоялаш механизмини яратмай туриб, иқтисодиётни эркинлаштириш ёки иқтисодий барқарорликка эришишни тасаввур қилиш қийин.

Ушбу рисолада рақобатнинг пайдо бўлиши, унинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, назарияси, қонунчилик асосларининг яратилиши юзасидан батафсил маълумотлар берилган бўлиб, ундан Олий ва Ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олувчи ўқувчи-талабалар ва профессор ўқитувчилар, шунингдек, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган иқтисодчилар, будан ташқари, мазкур соҳада тадқиқот олиб бориш истагида бўлган тадқиқотчилар, умуман олганда рақобат тўғрисида чуқур маълумотга эга бўлиш истагида бўлган барча ўқувчи-китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилари :** и.ф.н., доц. О.А.Рўзиев  
Г.Р.Бўриев

**Нашр учун масъул:** и.ф.н., доц. А.Тошқулов



Рақобат – бозорнинг асосий шартлари, айтиш мумкинки, унинг қонунидир.

И.А.Каримов

## КИРИШ

Кишилиқ жамятида рақобатни ривожлантирмай ва уни ҳимоялаш механизмини яратмай туриб, иқтисодий эркинлаштириш ёки иқтисодий барқарорликка эришишни тасаввур қилиш қийин. Бинобарин, эркин бозор иқтисодиётининг негизини ташкил этувчи муносабатлардан бири – бу рақобат дейиш мумкин.

Шу сабабли, рақобат, унинг турлари, шакллари ва иқтисодий аҳамиятини билмай туриб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, унинг мазмунини англаб етиш мушкул. Республика бозорларида рақобат муҳитини яратишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга оширмасдан туриб, халқимизнинг маҳсулот (иш, хизмат)лардан сифатли ҳамда кафолатли фойдаланиши, маҳсулотларнинг муқобиллиги ва истеъмолчилар манфаатларини тўлиқ қондирилишини тасаввур этиб бўлмайди.

Зеро, “монополияга қарши чораларни кўриш, маҳсулот етиштирувчининг истеъмолчи устидан ҳукмронлик қилишига барҳам бериш иқтисодиётнинг самарали ривожланишига, бозорнинг товарлар ва хизматлар билан тўлиқи вазифасига жавоб бериши, айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг яқкаҳонлик мавқеини тугатиш, нархларнинг сунъий равишда ошириб юборилиши, монопол юқори даромадлар олинишига қарши турувчи соғлом рақобат муҳитини шакллантириш имконини бериши”<sup>1</sup> Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан бир неча бор алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Мамлакатда рақобат муҳитининг шаклланганлиги натижасида бозор иштирокчилари ўз манфаатларини тўлароқ қондириш, ишлаб чиқаришга янги инвестицияларни жалб қилиш, замонавий техника ва технологияларни жорий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 71.



қилиш, маҳсулотлар сифатини ошириш, уларнинг ҳаққоний нархларини аниқлаш ҳамда кўпроқ турдаги маҳсулотларни бозорга таклиф этиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳозирги кунда республикамизда кичик хусусийлаштириш жараёни ўз ниҳоясига етказилиб, йирик объектлар, яъни монополиялар ва табиий монополиялар мавжуд соҳаларни хусусийлаштириш, ушбу соҳаларда рақобатни ривожлантириш имконияти бор бўлган соҳаларга кичик бизнес субъектларини жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин, бозор муносабатлари амал қиладиган иқтисодий жараёнларда вужудга келадиган монополистлар фаолият кўрсатадиган соҳаларда рақобат муҳитини шакллантириш, унинг усуллари ва ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш, мавжуд рақобат муҳитини ҳимоялашнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари доимо ўрганилиши ҳамда илғор тажрибалар асосида такомиллаштирилиб борилиши зарур.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан иқтисодиётни эркинлаштиришнинг муҳим йўли сифатида “Монополияга қарши қонунчиликни кучайтириш, монопол тузилмаларни камайитириш ва тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш, бу соҳада қонун ижросини сифатли таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур”<sup>2</sup>лиги таъкидлаб ўтилганлиги рақобат тўғрисидаги билимларнинг ўзлаштирилишини долзарб вазифага айлантиради.

Ҳозирги кунда жаҳон молиявий инқирози кечаётган бир даврда маҳсулот (иш, хизмат) таннархини ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш орқали пасайтириш йўли билан корхоналар ўртасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қуйиш зарур. Бу борада, Президентимиз 2009 йил 17 февралда 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланганлигини таъкидлаб ўтиб, “қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б.186–187.



камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз тушириш, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш, энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6–8 фоиздан оширмаслик” юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Ушбу рисолада рақобатнинг вужудга келиши, турлари, мазмуни ҳамда уни тартибга солувчи қонунчилик асослари тўғрисида батафсил маълумотлар бериш билан биргаликда, унинг йўналишлари бўйича мисоллар келтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги рисолаларимизда нарх (баҳо) сиёсати, унинг шаклланиши, маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини пасайтириш йўллари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш каби масалаларини ёритишни режалаштирганмиз.



## Рақобат тушунчаси, вужудга келиши ва қонунчилик асосларининг шаклланиш босқичлари

“Монополистик фаолият” ва “рақобат” тушунчалари мамлакатимиз иқтисодиёти учун мустақиллик йилларидан кейин кенг ишлатиладиган тушунчалар қаторига кирган бўлсада, бозор муносабатлари шароитида фаолият юритиб келган барча мамлакатларда бу тушунчалар анча қадимдан мавжуд бўлиб келган.

Рақобатга бугунги кунга қадар бир қанча таърифлар берилган бўлиб, Адам Смит уни “кўзга кўринмас қўл” деб атаган эди. Рақобат иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз эҳтиёж ва манфаатларини максимал қондириш, яхши даромад олиш, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш, имкониятларини намоён этиш ҳамда имиджга эга бўлиш учун курашдан иборат жараён дир.

Рақобат сўзи латинча “concurrere” сўзидан олинган бўлиб, тўқнашув, қарама-қарши, мусобақалашмоқ деган маънони билдиради. Рақобат товар олди-сотдиси ва энг яхши ишлаб чиқариш учун бозор тизими қатнашчилари орасидаги ўзаро кураш демак дир.

Лекин иқтисодий ва ҳуқуқий адабиётларда рақобат тўғрисида ҳар хил ва қарама-қарши фикрлар мавжуд. Уни ишлаб чиқарувчилар орасидаги асосий механизм, бозорнинг сифати, чегараси, белгиси, хўжалик механизмининг элементи, жамиятни олға интилтирувчи куч сифатида ҳам таърифлашади.

**Монополия** юнон тилидан олинган бўлиб, моно – “танҳо” ва poleo – “сотаман” деган маънони билдириб, яқка ҳокимлик ёки ҳукмронликни англатади.

**Монополистик фаолият** эса хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополияга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган,




рақобатга қўл қўймасликка, уни чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидир.

Ушбу тушунчаларнинг вужудга келишини қуйидагича келтириш мумкин. Рақобат ва монополистик фаолият каби тушунчалар тарихи дастлабки савдо муносабатларининг пайдо бўлишига бориб тақалади. Ушбу тушунчалар ҳамда рақобат қонунчиликларининг дастлабки кўринишларини қадимги Вавилон тарихий манбаларида кўриш мумкин.

Монополияга қарши қонунчиликнинг энг дастлабки кўринишларини Хаммурапи Кодекси (эрамизгача XVIII аср), қадимги Ҳинд ёдгорликларидаги ёзувлар (эрамиздан аввалги 200 йил), Рим бугдой қонуни (эрамиздан аввалги 50 йил), Зено Конституцияси (милодий 483 йил), Чинг династияси (III аср) ва Озодлик Хартияси (1861 йил)да кўриш мумкин.

Бундан ташқари, соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврида хорижий мамлакатлар билан муносабатда савдо-иқтисодий алоқаларга ҳам диққат-эътибор қаратилган. Европа қироллари билан олиб борилган ва бизгача етиб келган ёзишмаларнинг барчасида ҳар икки мамлакат ўртасида савдо алоқаларини йўлга қўйиш, савдогарлар қатнови учун имкониятлар яратиш масалалари кўтарилди. Бу уларнинг ўз давлати ҳудудида амалга оширган рақобат учун шарт-шароит яратишга қаратилган тадбирлари, савдо муносабатларига қилган эътибори ва хориж ҳукмдорлари билан ёзишмаларида савдо муносабатларини йўлга қўйиш каби таклифларидан кўриниб туради.

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сига Ҳофизи Абру қилган «Илова» («Ҳазрат соҳибқироннинг Озарбайжон ва Ироқи Ажам мамлакатларини амирзода Умарга берилганлиги баёнида» қисми)да Амир Темурнинг мазкур амирзодага давлат бошқаруви хусусида қилган қуйидаги насиҳатлари келтирилган: «...Йўлларни кўриқлашда имкони борича ҳаракат қилсин ва уларни муҳофаза қилишни мамлакатни идора этмоқ шартларидан бири деб билсин. Савдогарлар ва йўловчиларнинг дилларига озор этишига



асло йўл қўйилмасин». Бу эса Амир Темурнинг мамалакатда эркин рақобат муҳитини яратишга катта эътибор қаратганлигидан далолат беради.

Иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун ҳуқуқий пойдеворнинг, яъни қонунчилик базасининг мавжудлиги муҳим роль ўйнайди. Ушбу соҳада изланиш олиб борган олимларнинг умумий фикрларига кўра рақобат ва монополия қонунчиликларини **европача** ҳамда **америкача** қонунчиликларга бўлиш мумкин.

Рақобат қонунчилиги дунёдаги мавжуд иқтисодий-ҳуқуқий соҳалар ичида барча қирралари кенг тарзда ўрганилмаган янги соҳа ҳисобланади. Ҳозирги кундаги рақобат билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи замонавий қонунчиликлар орасида дебоча деб ҳисобланувчи қонун бу 1890 йилда Америка Қўшма Штатларида қабул қилинган “Шерман қонуни”дир. Ушбу қонун дунёдаги бир қатор мамлакатлар (Канада ва Европа иттифоқи мамлакатлари) нинг монополияга қарши қонунчилиги учун асос бўлиб хизмат қилган.

Албатта бу қонун ҳам том маънода мукамал бўлмаганлиги, яъни ушбу қонунда айрим тушунча ва тамойиллар эътибордан четда қолганлиги сабабли, Америкада 1914 йилда “Клейтон” ва “Федерал Савдо Комиссияси тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган.

Шунингдек, 1936 йилда кичик бизнес субъектларини йирик фирмалар томонидан камситилиши ва устунлик мавқеини суиистеъмол қилишларини олдини олувчи Робинсон-Пэтман қонуни қабул қилинган бўлса, 1938 йилда қабул қилинган Уиллер-ЛИ қонунига асосан оммани чалғитишга олиб келадиган ёлғон, нотўғри рекламаларни оммавий ахборот воситаларида тарқатилиши устидан назорат олиб борилиши ҳам белгилаб қўйилди.

1950 йилда қабул қилинган Селлер-Кевофер қонуни эса бир фирма томонидан бозордаги рақобатга таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа фирманинг ашёвий элементларини сотиб олишни таъқиқлади.

Дастлабки монополия ва носоғлом рақобатга қарши курашувчи америкача қонунчилик тизимига асосан рақобатга таъсир этиши ёки таъсир



этмаслигига қарамасдан монополь ҳатти-ҳаракатларнинг аниқ белгиланиш турлари қонунга зид деб ҳисобланади.

Шу билан биргаликда 1982 йилда қабул қилинган “Экспорт савдо компаниялари тўғрисида”ги қонун халқаро тадбиркорлик билан шуғулланувчи хўжалик субъектларига нисбатан антиконтраст қонунчилиги талабларини бир мунча либераллашувига олиб келди.

Бундан ташқари, рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши қонунчиликнинг европача тизими ҳам мавжуд бўлиб, унга Ғарбий Европа, Австралия ва Жанубий Африка республикаларининг миллий монополияга қарши қонунчиликлари ҳамда Европа Иттифоқининг қонунчилик мажмуаси киради.

Ғарбий Европа монополияга қарши қонунлари турли номлар билан аталиб келинади. Германия, Швецария, Австрияда бу қонунчилик антикартел қонунчилиги деб аталса, Франция ва Англияда бу қонунчилик чегараланган ишбилармонлик амалиёти деб аталади.

Европадаги монополияга қарши қонунчиликлар орасида энг машҳурлари бу Буюк Британиянинг 1948 йилдаги “Монополиялар ва чекланган амалиёт назорати тўғрисида”ги, Германиянинг 1957 йилдаги “Рақобатни чегаралаш тўғрисида”ги, Франциянинг 1986 йилдаги “Нархларни белгилаш ва рақобат мустақиллиги тўғрисида”ги қонунларидир.

Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши қонунчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши мустақиллик йилларига тўғри келиб, Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан мустақилликнинг дастлабки йиллариданок республикада рақобат қонунчилигига асос солинди ва мамлакатда соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Собиқ иттифоқ доирасида иқтисодий муносабатларнинг бузилиши натижасида товар бозорларида турли хил танглик ва етишмовчилик ҳолатлари ҳамда иқтисодиётнинг аксар тармоқларида мавжуд бўлган



яккаҳокимлик каби салбий оқибатларни бартараф этиш учун давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан бири бу – монополияга қарши қонунчилик базасини яратишдан иборат эди.

Шу сабабли, 1992 йил 2 июлда “Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан Ўзбекистонда илк бор монополияга қарши қонунчиликка асос солинди.

Кейинчалик мамалакатимизда иқтисодиётнинг ривожланиши, амалга оширилаётган ислохотлар даврида рақобат қонунчилигини амалда қўллашда юзага келган муаммолар, монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришнинг ўта долзарб вазифалардан бири эканлигини англаш ва монополияга қарши қонунчиликни такомиллаштириш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Шу сабабли, ушбу қонун такомиллаштирилиб, 1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида ушбу қонун билан биргаликда 1997 йил 27 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сонли, 1997 йил 25 июндаги 321-сонли, 2000 йил 2 августдаги 300-сонли ва 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сонли қарорлари қабул қилинди ҳамда амалдаги монополияга қарши қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Қисқа қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Республикада монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида монополияга қарши сиёсат юритиш ва соғлом рақобатни шакллантириш ёш, мустақил Ўзбекистон учун янгилик бўлган бўлса-да, Республикамиз Президенти И.А.Каримов



томонидан монополияга қарши сиёсатни олиб боришдаги оқилона ёндашув бу борадаги муваффақиятларнинг гарови бўлиб хизмат қилди.

Республикамиз Президенти томонидан монополияга қарши чораларни кўриш, маҳсулот етиштирувчининг истеъмолчи устидан ҳукмронлик қилишига барҳам бериш иқтисодиётнинг самарали ривожланишига, бозорнинг товарлар ва хизматлар билан тўлиши вазифасига жавоб бериши, айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг яккахонлик мавқеини тугатиш нархларнинг сунъий равишда ошириб юборилиши, монопол юқори даромадлар олинишига қарши турувчи соғлом рақобат муҳитини шакллантириш имконини бериши алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.<sup>3</sup>

Бундан ташқари, монополиячиликка қарши тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмолчи устидан тазйиқини тугатиш иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига, рақобат муҳити шаклланишига, бозорнинг товарлар ва хизматлар билан бойишига олиб келиши кераклиги, айрим корхоналарнинг монопол мавқини тугатиш, уларнинг бозорга тазйиқ кўрсатиш соҳасини тақсимлаб олиш бўйича келишувларига йўл қўймаслик соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатиши, нарх-наволарнинг сунъий равишда кўтарилишига, монополия йўли билан устама фойда олишга қарши омил бўлиб хизмат қилиши кўрсатиб берилди.<sup>4</sup>

Мустақилликнинг дастлабки йилларида асосий йирик корхоналар ва мулк давлатнинг қўлида эди. Иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини яратишнинг энг муҳим шарти бу кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, давлат ихтиёридаги корхоналарни хусусийлаштириш бўлиб, бунинг учун мулкдорлар синфини шакллантириш лозим бўлди.

Шу сабабли, Республикамизда дастлаб кичик миқёсдаги давлат корхоналари хусусийлаштирилиб бошланган бўлса, кейинчалик йирик давлат

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 71.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 308.



корхоналари хусусийлаштирилди ҳамда йирик монополист корхоналари рақобатчи бўлган янги хусусий ва мулкчиликнинг бошқа кўринишидаги корхоналар ташкил қилинди.

Шу билан биргаликда, илгари мамлакатда амал қилган иқтисодиётни марказлаштирилган тартибда бошқариб келган давлат тузилмалари (Давлат нарх қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси каби) тугатилиб, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатиши лозим бўлган янги тизимлар барпо қилинди.

Шундай экан, Республикада нарх сиёсатини юритиш мақсадида Молия вазирлиги ҳузуридаги монополияга қарши ва нарх сиёсатини олиб бориш бошқармаси ташкил қилинган бўлса, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш (2005 йилда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш) давлат қўмитаси ташкил қилинди.

Истеъмол моллари, масалан, чой, гугурт, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, улгуржи савдо ташкилотлари ва ҳатто аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳам монополиячи бўлиб турган бир пайтда ушбу Қўмитанинг ташкил қилиниши билан Республикада монополист корхоналар ва уларнинг нархлари назорат остига олинди.<sup>5</sup>

Республикада ислохотларни амалга ошириш жараёнида асосий эътибор ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришга қаратилди. Бундан ташқари, 2005 йилга келиб, республикада рақобатни ривожлантириш масаласи деярли ҳал қилинди ва кейинги босқич рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эканлиги эътироф этила бошланди ҳамда давлат томонидан корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларни таркибий ўзгартириш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилди.

---

<sup>5</sup> Каримов И.А.Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000. Б.57.



Мамлакатимизда сўнгги йилларда соғлом рақобат муҳити шакллантириш ва монополиядан чиқариш ишларида эришилаётган муваффақиятлар Республика ҳукумати томонидан аниқ чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хусусан, Мухтарам Президентимиз 2009 йил 17 февралда 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида таъкидлаган юқорида таъкидланган фикрлари бунга яққол мисол бўла олади.

Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганларидек, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай уринишларга барҳам бериш муҳим аҳамиятга эга.<sup>6</sup>

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Т., Ўзбекистон, 2005. –Б. 71.



## Рақобатнинг кўринишлари ва иқтисодиётда тутган ўрни


Иқтисодий ривожланишни рақобатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кенг маънода қаралганда, барча соҳаларда, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида кишилар ўз манфаатларини қондириш учун курашадилар, яъни ўзаро рақобат қилишга интиладилар. Ҳар бир иқтисоддаги каби бозор шароитида ҳам кишиларнинг хоҳиш иродаси, малакасига ва тафаккурига боғлиқ бўлмаган ўзига хос объектив қонуниятлар мавжуд.

Рақобат энг аввало иқтисодий ҳодиса ҳисобланади ва унинг асосини хўжалик субъектлари орасидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади. Рақобат ўзини хўжалик субъектлари орасида оддий неъматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабат сифатида намоён этади.

Рақобат орқали иқтисодиётда табақалашув юзага келади, яъни рақобатда ютиб чиққанлар иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиб кетсалар, ютқазганлар эса иқтисодий жиҳатдан инқироз ҳолатига тушиб қоладилар ва кўпинча йирик корхоналар таркибига қўшилиб кетадилар ёки умуман йўқ бўлиб кетадилар.

Рақобатнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжуд. Рақобатнинг ижобий томонлари у ресурсларни самарали тақсимланишига ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига олиб келади. Шунингдек, рақобатда истеъмолчилар талаби асосий ўрин тутганлиги сабабли ресурсларнинг истеъмолчилар талаби юқори бўлган ишлаб чиқариш тармоқларига йўналишига хизмат қилади.

Рақобат тадбиркорларни янги технологияларни жалб этишга ундаганлиги сабабли илмий-техникавий ривожланишга тurtки бўлади. Бундан ташқари, рақобатнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, бунда энг асосий эътибор тадбиркорларнинг шахсий мустақиллигига қаратилади. Фақат рақобатгина иқтисодий фаолиятни маъмурий



бошқаришсиз ҳам мувофиқлаштириши мумкин ва бу тадбиркорларга манфаатларини тўлароқ қондиришга имконият яратиб беради.

Рақобатнинг салбий томонлари сифатида шуни айтиш мумкинки, рақобат бозорда мувозанатни юзага келтириши ёки ўзи уни бузиб қўйиши мумкин. Чунки талаб ва таклифнинг ўзгаришига қараб нархларнинг тўхтовсиз ўзгариб туриши бозордаги субъектларнинг мавқеларини бир маромда сақлаб туришларига имкон бермайди.

Шунингдек, рақобатнинг мавжудлиги тадбиркорни фойда олиш ва бозорда ўз мавқени сақлаб қолиш мақсадида шундай методлардан фойдаланишга мажбур этадики, бу ўз навбатида табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга, ўз рақибини обрўсизлантиришга, истеъмолчиларни чалғитишга олиб келиши мумкин.

Рақобатни ўрганар эканмиз унинг турларини ва уларга хос бўлган хусусиятларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бозор тизимида рақобатни **мукаммал** (соф рақобат) ва **нотукаммал** турларга ажратиш мумкин.

Мукаммал (ёки соф) рақобат шундай рақобатки, бунда бозордаги сотувчилар ва харидорларнинг сони жуда кўп миқдорда бўлиб, улар бозордаги нархга таъсир эта олмайди ва монопол мавқеидан фойдаланиб, бозордаги иштирокчиларни ўз измига юрита олмайди. Шунингдек бу шароитда кураш доираси жуда кенг бўлиб, мавжуд тармоққа кириш ва ундан чиқиш ҳамда ушбу тармоқ тўғрисида ахборот олиш эркинлиги кафолатланган бўлади.

Бунда барча иштирокчилар бир хил турдаги товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқарадилар ҳамда бозордаги нарх талаб ва таклиф асосида шаклланади. Аммо реал ҳаётда рақобатнинг бу кўринишини учратишимиз қийин.

Мукаммал рақобатнинг ўзига хос томонлари қуйидагилар:



- бозордаги рақобатчилар сони ўта кўп ва уларни бирлаштириш имкони йўқ, барча иштирокчилар ўз имкониятлари ва таваккалчилик (риск)лари эвазига бозорда иштирок этадилар;
- маҳсулот бир йўсинли – стандарт, сифат бўйича тафовутлар йўқ;
- кичик корхоналар жуда оз миқдорда ишлаб чиқарадилар ва улар ўзгаларнинг ишлаб чиқариш қувватларига ва корхоналарга таъсир этолмайдилар;
- тармоққа кириб бориш учун ҳеч қандай ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва технологик чеклашлар йўқ;
- стандарт маҳсулот бўлгани учун нарх воситасисиз рақобатни ўзлаштириш учун имкон йўқ, чунки маҳсулот сифати, уни намойиш этиш учун фарқланиш белгилари йўқ.

Номукамал рақобат эса бунга тескари ҳолат бўлиб, табиатан монопол ёки рақобат бир мунча чекланган бўлади. Хусусан, бунда катта улушга эга бўлган корхоналар ва фирмалар рақобатлашадилар.

Номукамал рақобат **монополия, олигополия, соф монополия** ва **монопсония** кўринишларда намоён бўлиши мумкин.

Монополистик рақобат кўринишида кўп сонли ва унча йирик бўлмаган ишлаб чиқарувчилар айнан бир хил бўлмаган аммо ўхшаш товарларни таклиф этадилар. Бу тизимнинг соф рақобатдан фарқи бу ерда ишлаб чиқарувчиларнинг унчалик кўп сонли эмаслиги ва уларнинг ўзаро тил бириктира олмасликларидир.

Монополистик рақобат бозорининг хусусиятларини қуйидагича келтириш мумкин:

1. Фирмаларнинг сони одатда унча кўп эмас.
- Фирманинг бозор улуши катта эмас ва улар сезиларли меъёردа нархнинг шаклланишига таъсир этадилар;



- Фирманинг хуфёна битим тузиши ва нарх устида назорат қилиш имкони йўқ;

- Ҳар бир фирма ўз сиёсатини ўзга фирмаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда олиб борадилар.

## 2. Маҳсулот табақалашмаган.

- Сифат бўйича: хом ашё, сифат, дизайн, ишлаб чиқариш, чидамлилиқ бўйича фарқланиш;

- Маҳсулотни бозорда намойиш этиш турлича;

- Маҳсулотни эътироф этиш даражаси, реклама, товар белгиси ва маркаси турлича.

## 3. Нархни назорат этиш имкони чекланган.

### 4. Янги корхоналарнинг ушбу тармоққа кириши осон.

### 5. Нархли ва нархсиз рақобат шакллари мавжуд.

### 6. Одатда чакана савдода, енгил саноатда кенг учрайди.

**Олигополистик рақобат** шароитида рақобат тор доира ичида юз бериб, бунда озчилик лекин йирик ишлаб чиқарувчи ёки фирмалар қатнашадилар ва ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини назорат қиладилар. Олигополия ҳукмрон тармоқларда ҳам табақалашган ҳам стандартлашган товарлар ишлаб чиқарилади. Олигополия шароитида тармоққа янги фирмаларнинг кириб келиши қийин, чунки у ердаги ҳукмрон фирмалар билан рақобатлашиш учун жуда катта сармоя талаб этилади.

Олигополиянинг асосий характерли томонлари қуйидагилар: фирма ёки корхоналар сони кўп эмас, маҳсулот стандартлашган ва табақалашган, нарх устидан назорат ўта юқори, тармоққа кириш имкони чекланган, нархнинг шаклланишида рақобатчилар реакцияси, атвори ўрганилади ва шу туфайли у мувофиқлаштирилади.



Олигополистик рақобатга республикамиздаги пахтани қайта ишлаш металлургия саноатини мисол қилиш мумкин. Лекин ушбу корхоналар республика ташқарисига чиққанда улардан ҳам катта бўлган металлургия ёки пахтани қайта ишлаш корхоналарининг рақобатига дуч келадилар.

**Соф (мутлоқ) монополия** шароитида эса бир фирма ёки ташкилот у ёки бу бозорда мутлоқ ҳукмронликка эга бўлади ва бозордаги нархга, товар ва хизматлар ҳажмига ҳал қилувчи таъсир кўрсата олади. Монопол бозорлар барча мамлакатларда, шу жумладан рақобат даражаси юқори ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда ҳам мавжуд.

Соф монополия бозорига хос бўлган хусусиятлар қуйидагилар:


- тармоқда ягона фирма ёки корхонанинг фаолият юритиши;
- маҳсулот ўта ноёб ёки уни бошқа тури билан алмаштириш имконияти йўқ;
- нарх устидан назорат монополист қўлида ва нархни у белгилайди;
- тармоққа янги иштирокчиларнинг кириш имконияти йўқ, у иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва технологик тўсиқлар билан боғлиқ;
- нарх воситасисиз рақобатни ташкил этиш имкони йўқ.

Бунга мисол қилиб республикиздаги “Шўртангазкимё” комплексини келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган рақобат турлари ва унинг асосий хусусиятларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

1- жадвал

|                              | Ягона сотувчи | Кам сотувчи             | Кўп сотувчи           |
|------------------------------|---------------|-------------------------|-----------------------|
| Табақалаштирилмаган маҳсулот | Соф монополия | Соф олигополия          | Мукамал (соф) рақобат |
| Табақалашган маҳсулот        |               | Табақалашган олигополия | Монополистик рақобат  |



Бундан ташкари, айрим ҳолатларда **монополия** ҳам мавжуд бўлади. Бу ерда сотувчи эмас харидор ҳукмронлик қилади. Бу бозорда сотувчилар кўплигидан ягона харидор учун курашади. Харидорнинг таклиф этган нархи таннарх даражасида бўлади.

Шу билан бирга иқтисодиётда “**табiiй монополия**” тушунчасини ҳам кўплаб учратиш мумкин:

Табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъектлар табиий монополия субъектлари ҳисобланадилар. Ўзбекистон Республикасида табиий монополия субъектларининг фаолияти қуйидаги соҳаларда давлат томонидан тартибга солинади:

нефть, нефт маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш;

электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш;

темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш;

умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари;

сув қувурлари ва канализация хизматлари; аэронавигациялар, портлар ва аэропортлар хизматлари.

Рақобат олиб бориш усулига қараб **инсофсиз (фирром) ва ҳалол рақобат** бўлиши мумкин.

Инсофсиз рақобат бозорда фирмалар, корхоналар ўз рақобатдоши бўлган субъектларга нисбатан зарар келтирадиган, унинг тадбиркорлик обрўсига путур етказадиган ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиши, уларнинг интеллектуал бойликларидан ноқонуний фойдаланишлари, товарни тайёрлаш усули, хусусияти ва жойи, истеъмол хоссалари, сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитишлари,



жосуслик, кўпорувчилик ва ўғирлик каби усуллардан фойдаланишлар тушунилади.

Ҳалол рақобат эса бунинг акси бўлиб, асосан икки усулда, яъни *нарх* ва *сифат* орқали олиб борилиши мумкин. Нарх орқали рақобатлашув усули танланганда нархни тушириш ва кўтариш орқали рақобатлашилади. Бунда рақобатлашадиган фирманинг нархни кўтариш ёки пасайтириш чегараси асос қилиб олинади. Аммо шуни унутмаслик зарурки, нарх билан рақобатлашиш ҳамisha ҳам қўл келавермайди. Шунинг учун иқтисодиётда товарнинг сифати орқали рақобатлашиш алоҳида ўрин тутади. Жумладан, агар икки фирма томонидан тақдим этилаётган маҳсулот ёки товарнинг нархи бир хил бўлса, харидор ўз-ўзидан унинг сифатига, афзаллигига эътиборни қаратади ва сифати юқори бўлган товарни сотиб олишга интилади.

**Рақобатни субъектларига қараб асосан учта гуруҳга бўлиш мумкин.**

1. Бозорда **ишлаб чиқарувчилар** ёки хизмат кўрсатувчилар орасидаги рақобат муҳим ҳисобланиб, уни ҳам уч турга яъни, тармоқ ичидаги, тармоқлараро ва минтақавий рақобатга бўлиш мумкин.

а) **тармоқ ичидаги рақобат** бу асосан бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат ҳисобланиб, у асосан товарлар сифати, нархи, товарнинг кўриниши, корхона фойдаси миқдори ва худди шундай товарлар ишлаб чиқараётган бошқа ишлаб чиқарувчилар фаолиятига боғлиқликни тақозо этади. Ишлаб чиқарувчиларга ички ва ташқи шароитларнинг ҳар хил таъсири туфайли улар бозорда турлича улушга эга бўладилар ва турли мавқени эгаллайдилар.

б) **тармоқлараро рақобат**да турли тармоқлар ўртасида рақобат мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан бир ҳудудга сармоя киритиш ниятида бўлган сармоядор тармоқлар ўртасида ўзи учун энг фойда келтирувчан бўлган тармоқни танлайди.



Ресурслар доимо фойда нормаси анча паст бўлган тармоқдан юқориқроқ бўлган тармоққа оқиб ўтади. Шу асосда тармоқлараро рақобат – товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўз маблағларини энг фойдали ишлаб чиқариш соҳасига жойлаштириш учун кураш содир бўлади.

в) **минтақалараро рақобат** давлатлар орасида юзага келадиган рақобат кўринишидир. Мисол учун, Японияда автомобил ишлаб чиқариш харажатлари АҚШга қараганда камроқ бўлганлиги муносабати билан дунё автомобил бозорларидаги савдоларда мавжуд рақобат натижасида юзага келган нархлар тизими япон автомобил ишлаб чиқарувчилари учун фойдалироқдир.

Шу сабабли, автомобил иштиёқмандларининг автомобилларга бўлган эҳтиёжининг катта қисми Япония автомобиллари ҳисобига қондирилади. Натижада кўпроқ чидамли бўлган АҚШ автомобил ишлаб чиқарувчилари рақобат курашида ютқаздилар.

2. **Харидорлар ўртасидаги рақобат** рақобатнинг бошқа турларига нисбатан ривожланган бозор хўжалигида камроқ аҳамиятга эга. Албатта, ҳар бир сотувчи учун харидорларнинг товар учун кўпроқ ҳақ тўлайдигани афзалдир. Лекин, ишлаб чиқариш таклифи талаб билан мувозанатга келган вазиятда харидорлар ўртасидаги рақобат иккинчи ўринга ўтади. Рақобатнинг кескинлашуви бирон бир товарни таклиф этишни кўпайтириш учун тўсик пайдо бўлган пайтдагина юзага келиб, агар товар етишмаслиги пайдо бўлса, харидорлар уни сотиб олишда бир-бирларидан ўзишга интилиб, сотувчиларга баландроқ нарх таклиф қиладилар. Сотувчилар эса тақчил товарни талаб нархи бўйича, яъни харидори чиқса, иложи борича юқори нарх бўйича сота бошлайдилар.

Харидорларнинг сотиб олиш имкониятлари бир хил бўлганлиги сабабли кўп ҳақ тўлай оладиган киши ушбу вазиятда афзал кўрилади. Бундай рақобат натижасида барча харидорлар, ҳар холда товарни сотиб оладиган, товар етарли миқдорда бўлгандагига қараганда кўпроқ ҳақ тўлайдиган



харидорлар ва ҳеч нарса сотиб ололмайдиган харидорлар озми-кўпи ютқазадилар, чунки уларнинг эҳтиёжлари қондирилмайди.

**3. Сотувчи билан харидор ўртасидаги рақобат** – мувозанат нархлар шаклланиши жараёнида содир бўлади. Дастлабки шакланган нарх бўйича талаб таклифдан юқори бўлса, нарх ошиб боради. Бундай вазиятда сотувчилар билан биргаликда ҳаракат қилиш хос бўлиб, харидорлар пароканда бўладилар ва уларнинг ҳар бири тақчил молни сотиб олишда бошқасидан ўзишга интилади. Борди-ю, дастлабки нарх вазиятида таклиф талабдан ортиқ бўлса, харидорлар сотувчиларни бир-бирлари билан ўзаро рақобат қилишга ва қолаверса нархни пасайтиришга мажбур этадилар. Бундан харидорлар ютадилар, чунки улардан ҳар бири товарни арзонроқ нархда сотиб олишга муваффақ бўлади.

Адам Смит шундай дейди: “Бир хил касб эгалари кам учрашадилар, ҳатто улар қувончли кунларида ёки шунчаки дам олиш учун учрашганларида ҳам, бирор бир учрашувлари йўқки, бу учрашувлар жамиятга қарши тил бириктириш ёки нарх-навони қандай кўтариш юзасидан бирор бир келишув билан яқунланмасин.”

Рақобат ижтимоий нуқтаи назардан мақбул ҳодиса, лекин айрим ҳолларда хўжалик субъектларига бозор иштирокчилари сонини чеклаш ёки биргаликда нархларни кўтариш бўйича рақиблар билан келишишга ҳам йўл очиш мумкин.



## Ўзбекистонда рақобат муҳити ва уни химоя қилиш усуллари

Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантириш ва унинг истиқболдаги йўналишларини белгилаш учун энг аввало бозорнинг ҳозирги реал ҳолатини билиш, уни таҳлил қилиш ғоят муҳим. Мамлакатимизда рақобат муҳити бугунги кунда анча ривожланган бўлиб, унинг шаклланиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитла яратилган. Шу билан биргаликда, айрим тизимларда монополлашишни кўриш мумкин.

Монопол фаолиятни олдини олиш ва қонунбузарликларга йўл қўймаслик учун авваламбор қайси тармоқларнинг монополлашганлигини ёки бозорда устунлик мавқени эгаллаб турганлигини билиш зарур. Шу мақсадда республикада кўпгина хориж давлатларидан фарқли равишда монополист корхоналар давлат реестри юритиб келинмоқда. Ушбу реестрга товар бозорида 65 фоиздан ортиқ улушга эга бўлган ва қонунчиликда белгиланган айрим ҳолатларда монополияга қарши давлат органи қарорига мувофиқ товар бозоридаги улуши 35 фоиздан юқори бўлган хўжалик юритувчи субъектлар киритилади.

Мамлакатимизда рақобат муҳити бугунги кунга келиб қай даражада ривожланганлигини ушбу реестрда юзага келаётган ўзгаришлар ва бошқа бир қатор кўрсаткичлар орқали билиб олиш мумкин.

Жумладан, мустақилликка эришилгандан сўнг **рақобатни ривожлантириш** ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бу борада жуда катта ютуқларга эришилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, монополист корхоналарга рақобатчи бўлган янги хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкил этилиши, улар томонидан рақобатбардош товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқарилши натижасида товар бозорида ўз устунлик мавқеини йўқотган монополист корхоналар “Монополист корхоналар давлат реестри” рўйхатидан чиқарилди.

Давлат реестри ташкил этилган 1996 йилда монополист корхоналар сони 827 тани ташкил қилган бўлса, 2000 йилда 753 тани ва 2009 йил 1 январ ҳолатига келиб эса 58 тани ташкил қилди, яъни монополист корхоналар сони



ислоҳотларнинг бошланғич даврига нисбатан 93 фоизга ёки 14 марта камайди.

Шунингдек, 1996 йилда 4351 та маҳсулот (иш, хизмат) турлари монополист корхоналар давлат реестри рўйхатида турган бўлса, кейинги йилларда бундай товар (иш, хизмат)лар сони камайиб, 2000 йилда 1719 та ва 2009 йил 1 январ ҳолатига келиб 94 тани ташкил қилди ёки монопол маҳсулот (иш, хизмат) лар сони 1996 йилга нисбатан 98 фоизга ёки 46 мартага камайди.

Бундан ташқари, олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида рақобат муҳити шаклланиб бормоқда ҳамда янги бозорларнинг очилиши ва чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши натижаси ўлароқ иқтисодий турли соҳаларида монополистларнинг сони билан бирга монопол маҳсулотларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам камайиб бормоқда.

Ҳозирги кунга келиб, республикада нодавлат мулкнинг ҳар хил шакллари ривожлантириш учун барча зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилган. Республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида яратилаётган маҳсулотнинг катта қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу ютуқларга эришишда мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий эркинлаштириш сиёсати ҳамда Республика ҳукумати томонидан аниқ чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикада давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган тадбиркорлик жуда тез суръатларда ривожланмоқда. Давлат томонидан тадбиркорлик субъектларига солиқ ва бошқа имтиёзларнинг берилиши ҳамда уларни қўллаб-қувватловчи турли институтларнинг ташкил қилиниши шулар жумласидандир.

Жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши ва айти пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди.<sup>7</sup>

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 24.



Хусусан, Республикада фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Жумладан, кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2004 йилда 35,6 фоизни, 2005 йилда 38,2 фоизни, 2006 йилда 42,1 фоизни, 2007 йилда 45,5 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 48,2 фоизни ташкил қилди.

Республикада рақобат муҳитини яратиш мақсадида бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда ҳамда ушбу ишлар орқали иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини яратишда дадил қадамлар ташланганлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунга келиб, Республикада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича олиб борилган комплекс ислохотлар ўз натижасини бермоқда. Бундан буён монополистларнинг фаолиятларини назорат қилиш ва уларнинг ўз устунлик мавқеларини суиистеъмол қилиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида юритилиб келинган монополист корхоналар давлат реестри ҳам аҳамиятини йўқотиш арафасида турибди. Бу бўйича дастлабки ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли қарори билан амалга оширилди дейиш мумкин. Чунки, мазкур қарорга кўра монопол маҳсулотлар ва юқори ликвидли товарлар нархларининг шаклланиши бўйича замонавий бозор механизми жорий этилди.

Монополист корхоналарнинг нархлари устидан давлат назорати монополлашганлик даражаси юқори бўлган ва бозор муносабатлари механизмлари ҳали ўз таъсирини унчалик кўрсатмаган республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг биринчи босқичида ўз самараларини бериб бўлди. Бугунги кунги ҳолат эса, мутлақо бошқача бўлиб, энди монополист корхоналар давлат реестри ва уларнинг нархлари (тарифлари)ни декларация қайдномасидан ўтказиш тартибидан босқичма-босқич воз кечиб, биржа ва бошқа бозорлар орқали нархларнинг шаклланиши тизимини йўлга қўйишни тақозо қилади.

Иқтисодиётни эркинлаштиришда давлат томонидан корхоналарнинг монополистик фаолияти назорат қилиниши, уларнинг ўз устунлик мавқеларини суиистеъмол қилишларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.



## Монополистик фаолиятни чеклашнинг шакл ва усуллари. Рақос

муҳитини яратиш усулларига товар ва хизматларнинг нархларини давлат томонидан назорат қилиниши, лицензиялаш ҳамда табиий монополия субъектларига хизмат кўрсатилиши мажбурий бўлган истеъмолчилар доирасини белгилаб берилиши киради.

Монополистик фаолиятни чеклашнинг йўлларида бири монополистик корхоналарнинг **товар ва хизматларига нарх ва рентабеллик даражасини давлат томонидан белгиланиши**дир. Бугунги кунда Ўзбекистонда ушбу услубдан фойдаланган ҳолда монополистик корхоналарнинг ўз устунлик мавқеларини суиистеъмол қилмасликларига маълум бир маънода эришиб келинмоқда.

Республикада монополистик фаолиятни чеклаш бўйича олиб борилаётган усуллардан яна бири бу – хўжалик субъектларининг **ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш, бўлиш ва бирлашиши** устидан давлат назорати ҳисобланади. Ушбу усул ҳам товар бозорларида монополистик мавқе юзага келмаслиги учун самарали усуллардан бири бўлиб, асосий мазмуни ўзаро қўшилиш ёки ажралиш истагида бўлган хўжалик субъектларининг олдиндан монополияга қарши давлат органининг розилигини олишлари билан ифодаланади. Юқоридаги ҳаракатларни амалга ошираётган корхоналардан бири ёки ҳар иккаласи устунлик мавқени эгаллаб турган субъект бўлса, шунингдек, иккала (ёки бир нечта) субъектларнинг ўзаро қўшилишлари натижасида бозорда устун мавқе юзага келиши мумкин бўлган тақдирда монополияга қарши давлат органи унинг оқибатларини таҳлил қилиб, ўрганиб чиққан ҳолда уларга ушбу ҳаракатни амалга оширишга рухсат бериши ёки рад этиши мумкин.

Монополистик фаолиятни тартибга солишнинг усулларида яна бири бу – акциялар, улушлар ва бошқа **мулкий ҳуқуқларни** олиш вақтида монополияга қарши курашга оид амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиш бориш ҳисобланади.

Устунлик мавқе қўлга киритилмаслиги ёки устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектнинг ўз устунлик мавқеини суиистеъмол қилмаслиги учун бирор бир хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиз ёки ундан ортиқ улушини ёхуд акциялар пакетини сотиб олиш ниятида бўлган жисмоний (тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган шахслар бундан



мустанасно) ёки юридик шахслар монополияга қарши давлат органини розилигини олишлари талаб этилади.

Бундан ташқари, устунлик мавқеига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларни **мажбурий тарзда бўлиб юбориш** рақобат муҳитини яратишда энг муҳим усуллардан бири ҳисобланади. Бунда бўлиб юборилаётган таркибий бўлинмалар ташкилий ва ҳудудий жиҳатдан ажралиб чиқиши мумкин бўлиши, унинг таркибий бўлинмалари ўртасида технологик жиҳатдан ўзаро узвий боғланиш бўлмаслиги, бўлиб юбориш натижасида таркибий бўлинмалар муайян товар бозорида мустақил ишлаш имкониятига эга бўлишлари керак.

Шунингдек, республикада **хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) устидан давлат назорати** ҳам олиб борилади. Бунда муайян товар бозорида 35 ва ундан ортиқ фоиз улушга эга бўлган, ўзаро рақобатлашаётган ёки рақобатлашиши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклаб қўйган ёки чеклаб қўйиши мумкин бўлган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) ҳақиқий эмас деб топилади ва бекор қилинади. Бундай ҳаракатларга қуйидагилар киради:

- қатъий нархлар, тарифлар, чегирмалар, устамалар, қўшимча тўловлар ёки ортиқча нархлар белгилаш ёки уларни сақлаб туришга;
- эркин бозор нархлари қарор топишига тўсқинлик қилиб, уларни сунъий равишда ўстириш ёки пасайтиришга;
- ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш бозорлари ва капитал қўйилмалар устидан назорат ўрнатишга;
- таклиф ҳажмини сунъий равишда ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини келишиб олишга;
- аукционлар, биржалар ва бошқа кимошди савдоларида нархларни ошириш, пасайтириш ёки сақлаб туришга ҳамда нарх соҳасида камситишлар белгилашга;
- бозорни ҳудуд бўйича, сотув ёки харид ҳажми, товарлар хиллари бўйича, сотувчилар ва харидорлар, буюртмачилар доираси бўйича бўлиб олишга;
- муайян товарларнинг сотувчилари, харидорлари ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаб қўйиш ёки уларни



бозордан четлатишга қаратилган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) таъқиқланади.

Амалиётда кенг тарқалган усуллардан яна бири **хўжалик юритувчи субъектнинг ўз устун мавқеини суиистеъмол қилишининг олдини олиш** ҳисобланади. Бу йўл орқали назорат қилиш асосан монополист корхоналар давлат реестри рўйхатига киритилган корхоналар учунгина қўлланилади.

Монополияга қарши қонунчиликка мувофиқ устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатни чеклайдиган ва (ёки) бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини камситган ёхуд камситиши мумкин бўлган қуйидаги ҳаракатлари таъқиқланади:

- товарларни муомаладан олиб қўйиш, бундан кўзланган мақсад ёки эришилган натижа бозорда тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туришдан ёхуд нархларни оширишдан иборат бўлса;

- монопол қиммат ёки монопол арзон нархларни белгилаш;

- контрагентга шартнома шарларига тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан молиявий маблағлар, бошқа мол-мулк, мулкый ҳуқуқларни ўтказишга доир асоссиз талабларни мажбуран қабул қилдириш;

- контрагентни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тенг бўлмаган вазиятга солиб қўядиган камситувчи шартларни шартномага киритиш;

- контрагент томонидан бошқа товарларни сотиб олиш ёки сотиш ёхуд контрагентнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан товарлар сотиб олишдан ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларга товарлар сотишдан ўзини тийиш шarti билангина шартнома тузишга розилик бериш;

- тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш имкониятлари мавжуд бўлган тақдирда шартнома тузишдан асоссиз бош тортиш ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришига тўсқинлик қилиш.

Шунингдек, монополистик фаолиятни назорат қилишнинг яна бир усули **давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари ва ҳаракатлари устидан назорат** ҳисобланади.

Республикамызда амалда бўлган монополияга қарши қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қуйидагилар таъқиқланади:



- бирор-бир фаолият соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилишга чеклашлар жорий этиш, шунингдек айрим фаолият турларини амалга ошириш ёки муайян бир товарларни ишлаб чиқаришни таъқиқлаш (қонун ҳужжатларида белгиланган истисно ҳолатлардан ташқари);

- хўжалик юритувчи субъектга шартномалар тузишда кимгадир устунлик бериш, истеъмолчиларнинг муайян доираларига товарларни биринчи навбатда етказиб бериш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

- баъзи бир хўжалик юритувчи субъектларга айна бир товар бозорининг ўзида ишлайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан устунлик берувчи солиқ ёки бошқа имтиёзларни, лицензиялаш бўйича ҳуқуқларни асоссиз равишда бериб қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);


- айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шарт-шароитларни белгилаш;

Шу билан биргаликда, бошқарув органининг бошқа бир бошқарув органи билан ёхуд хўжалик юритувчи субъект билан бозор меъёрида фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ва истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларига зарар етказувчи битимларига (келишиб қилинган ҳаракатларига), шу жумладан:

- нархлар ёки тарифларни ошириш, пасайтириш, сақлаб туришга;

- бозорни ҳудудий принцип бўйича, сотувлар ва харидлар ҳажми, товар хиллари ёхуд сотувчилар ёки хариддорларнинг, буюртмачиларнинг доираси бўйича тақсимлаб олишга;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаш ёки уларни беозордан четлатишга қаратилган битимларига (келишиб қилинган ҳаракатларига) йўл қўйилмайди ва улар белгиланган тартибда тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилади.



## **Рақобат жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари**

Мамлакатда иқтисодий эркинлаштириш, монополиядан чиқариш ҳамда рақобатни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан бир қатор ютуқларга эришилди. Эришилган ютуқлар билан бир қаторда иқтисодий эркинлаштириш жараёнида юзага келадиган ўзгаришларга мос равишда айрим муаммоларнинг бартараф этилиши лозимлиги долзарб бўлиб қолмоқда.

Хусусан, “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мукамал ишлаб чиқилган бўлсада, ушбу қонун фақатгина “товар бозорлари”га нисбатан татбиқ этилади. Лекин бугунги кунда “молия бозорлари”да ҳам монополиялаш, рақобатнинг чекланиши ва устунлик мавқеини суистеъмол қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Шу сабабли, юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида монополияга қарши қонунчиликнинг молия бозорларини ҳам қамраб оладиган янги таҳририни ишлаб чиқиб, амлда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиши табиийдир.

Бундан ташқари, монополияга қарши қонунчиликда устунлик мавқеини суистеъмол қиладиган ёки бошқа турли қонунбузарликларга йўл қўядиган корхоналарни зарур ҳолларда бўлиб юбориш масаласи кўриб чиқилиши кераклиги белгиланган бўлсада, бундай корхоналарни мажбурий тартибда бўлиб юбориш бўйича экспертиза ўтказиш, умуман хўжалик юритувчи субъектларни бўлиб юборишни ижтимоий-иқтисодий самарасини аниқлаш ва баҳолаш услубиёти ёки унинг ҳуқуқий тартиби белгиланмаган.

Шу билан биргаликда, табиий монополия субъектлари соҳасида доимий равишда нархлар (тарифлар)ни асоссиз ошириш ҳисобига даромад олишга интилиш, табиий монополия субъектларини ўз бозорларини потенциал рақобатчилар учун очиб беришдан манфаатдор эмаслиги, уларни бозорга кириши учун тўсқинликларни вужудга келтириш каби ҳолатларни кузатиш мумкин.

Табиий монополия субъектларининг устунлик мавқеларини суистеъмол қилган ҳолда ўз шартларини истеъмолчиларга ўтказиши истеъмолчиларнинг



етказиб берувчилар олдидаги қарзларининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Масалан, коммунал хизмат кўрсатиш (ичимлик суви таъминоти ва маиший чиқиндиларни ташиш) бўйича намунавий ва амалда фойдаланилаётган шартномаларга истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган шартлар киритилиши ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, давлат тасарруфидан чиқариш рақобат муҳитини яратиш учун аввало монополлашган тармоқларни хусусийлаштиришга эътибор бериш муҳимроқ.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қатор ютуқларга эришилганлиги билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва тадбиркорларда бозор конъюнктураси ҳақидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги каби муаммолар ҳалигача мавжуд.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, монополист корхоналар ўзларининг маҳсулот ёки хизматлари учун нархлар, тарифлар ва рентабелликнинг чекланган даражасини молия органларида декларация қайдномасидан ўтказишлари белгиланган. Монополист корхоналар ўз нарх, тарифларини декларациядан ўтказиш учун тайёрлаган калькуляцияларини ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларни молия органларига тақдим этмоқдалар ва молия органлари улар тақдим этаётган ҳужжатлар асосида (уларнинг тўғри эканлигига ишонган ҳолда) ўрганиб чиқиб, аксарият ҳолларда корхона томонидан келтирилган калькуляцияларни тасдиқлаб бермоқдалар.

Нархлар, тарифлар ва рентабелликнинг чекланганлик даражасини тасдиқлаш молия органларига юклатилган бўлса, уларнинг шаклланишини ва қўлланилишини назорат қилиш эса монополияга қарши давлат органи зиммасига юклатилган. Мазкур орган томонидан ўтказилаётган текширишлар давомида шу нарса маълум бўлмоқдаки, аксарият монополист корхоналар нархлар, тарифларни декларация қайдномасидан ўтказиш жараёнида молия органларига нотўғри ахборот тақдим этмоқдалар ва бунинг натижасида уларнинг нархи сунъий равишда ошиб бормоқда. Бу эса нафақат монополист корхоналар истеъмолчилари учун, балки монополист корхонанинг ўзи учун ҳам зарарлидир. Чунки, нархлар, тарифлар ва рентабелликнинг чекланган даражасини белгилашда молия органларига нотўғри ахборот бериш оқибатида уларнинг сунъий равишда оширилиши



натижасида олган даромадлари асоссиз даромад бўлиб, ушбу даромад монополияга қарши давлат органи томонидан Суд қарорига мувофиқ тегишли жамғармаларга олиб қўйилади.

Бундан ташқари, монополияга қарши қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар акция ёки улушларининг 35 фоиз ва ундан ортиғига эгалик қилиш устидан ҳам давлат назорати олиб борилиши белгиланган. Амалда акцияларни сотиб олишда гуруҳлар ҳолида, ўз қариндош-уруғлари ёки ўз тарафдорлари билан келишган ҳолда акциялар пакетларини сотиб олиниши ҳолатига жуда кўп дуч келинмоқда. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бундай гуруҳ “бир гуруҳ шахслар” деб юритилсада, бир гуруҳ шахслар кимлар бўлишлиги тўғрисида қонунчиликларда аниқ изоҳ келтирилмаган. Шу сабабли, бундай битимлар бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган тақдирда ҳам уларнинг бир гуруҳ эканликларини исботлаш имконияти йўқ.

Шунингдек, маҳаллий давлат бошқаруви органлари томонидан товар бозоридаги айрим субъектларга имтиёз бериш ҳолатлари ҳам кўплаб учрамоқдаки, бу монополияга қарши қонун ҳужжатларига зид бўлиш билан бирга ушбу товар бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг кириш имкониятларини чекламоқда ва имтиёзга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг ушбу соҳада устунлик мавқеини суиистеъмол қилишига шароит яратилмоқда.



## **Рақобат жараёнларининг хорижий давлатлардаги кўринишлари ва илғор тажрибаларни қўллаш**

Бугунги кунда дунёнинг 100 дан ошиқ давлатида антимонопол қонунчилик мавжуддир. Шундай экан, ҳозирга кунда рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда иқтисодий шароитга мос келадиган жиҳатларини татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Монополияга қарши қонунчиликлар назорати ва рақобат сиёсатини юритиш турли мамлакатларда белгиланган ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Мамлакатлардаги рақобат сиёсати ушбу давлатдаги тарихий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий шароитлардан келиб чиқиб амалга оширилади ва бир-биридан фарқ қилади.

АҚШ ва Европа иттифоқида характериға кўра рақобат қонунчилиги матнлари конституцион нормаларни ёдга солади. Рақобат қонунчилиги яқинда амалиётга киритилган давлатларда эса юқоридаги тўртта масала битта қонунда ўз аксини топган. Бундай давлатларга Ўзбекистон, Россия, МДҲ мамлакатларининг аксарияти ва Шарқий Европа мамлакатларини мисол қилиш мумкин. Бошқа кўпгина давлатларда эса бу масалалар алоҳида қонунлар билан тартибга солинади. Масалан, Қозоғистонда носоғлом рақобат алоҳида қонун кўринишида мавжуд бўлиб, АҚШда эса концентрация масалалари ва мавжуд жараёнлар алоҳида қонун – Харта-Скотта-Родио қонуни билан тартибга солинади.

Рақобат сиёсати Европа Иттифоқини ривожланиш сари йўналтирувчи асосий кучлардан бири сифатида қолмоқда. Европа Иттифоқи рақобат тўғрисидаги қонунчилиги нормалари назарий ва амалий жиҳатдан рақобат сиёсати олдида турган мақсадларни аниқ ажратиш имкониятини беради. Жумладан, тақсимот самарадорлигини ҳаракатга келтириш; кичик ва ўрта корхоналарни ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш; бозорларнинг очиқлиги; рақобатчиларни ҳимоя қилиш; истеъмолчиларни ҳимоя қилиш; европача технологияни ривожлантириш мумкин бўлган кооператив тадбиркорликка руҳсат беришга устиворлик берилган.

Япония Антимонопол қонунчилигига кўра эркин ва ҳалол рақобат иқтисодиёт учун жуда муҳим омил ҳисобланади. Японлар учун ҳалол



рақобат тадбиркорларнинг ижодий ташаббусларини рағбатлантириш, уларнинг ишчанлиги ва активлигини тақдирлаш, аҳолининг реал даромадларини ва бандлик даражасини ошириш, миллий иқтисодиётда соғлом ривожланиш ҳамда истеъмолчиларни қўллаб-қувватлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Германиянинг “Рақобатни чеклашга қарши қонун”и ўз мазмунига кўра анча тўлиқ ва кенг қамровли бўлишига қарамасдан ушбу қонуннинг мақсадини аниқ ифода этмаган. Шу сабабли, айрим ҳолатларда рақобатнинг чекланиши иқтисодиёт ёки жамият фойдасига хизмат қилиши маълум бўлса, Иқтисодиёт Вазирлиги мазкур қонун билан таъқиқланган ҳаракатлар ёки битимларга рухсат берувчи қарор чиқариши мумкин.

Германияда кичик бизнесни иқтисодиётнинг асосий элементи, шунингдек инновациялар ва бандликни таъминлаш учун ҳаётий аҳамиятга эга деб ҳисоблаганликлари боис ушбу қонун кичик бизнес ҳимоясига алоҳида эътибор қаратади. Мисол учун, кичик бизнес субъектларининг бирлашиши ушбу соҳадаги йирик рақобатчига қарши уларнинг мавқеини кучайтирадиган бўлса, кичик бизнес субъектларига белгиланган тартибда картел битимлари тузишга рухсат этилади. Шунингдек, мазкур қонун кичик бизнес субъектларига қарши монополистлар томонидан очикдан-очик устунлик мавқеини суиистеъмол қилинишини ҳам таъқиқлайди.

Россия қонунчилиги барча бозор қатнашчилари муносабатларини қамраб олиш бўйича ўзбек қонунчилигига анча мос келади. Лекин, Россия қонуни унинг нормаларини маълум бир тармоқ учун қўлланилишини истисно қилмайди. Шунингдек, Россия рақобат тўғрисидаги қонунида табиий монополия соҳалари тўғрисида фикр билдирилмаган. Бизнинг қонунда эса айрим соҳаларда табиий монополиялар тўғрисидаги қонун қўлланилиши тўғрисида эслатиб ўтилган.

Япония антимонопол актида унинг қўлланилиши соҳаси бўйича чеклашлар назарда тутилмаган. Унинг нормаларининг айрим шартларигина баъзи соҳаларга (мисол учун банк фаолияти, суғурта) татбиқ этилмайди. Бундай ҳолатлар эса қонунда аниқ белгилаб қўйилган.

Германия қонунчилиги истисно ҳолатларда қонуннинг айрим нормаларининг татбиқ этилмаслиги юзасидан Федерал Иқтисодиёт Вазирлигига ваколат берган. Қишлоқ хўжалиги, суғурта, интеллектуал мулк соҳаси, спорт соҳалари алоҳида тартибга солинадиган соҳалар бўлиб,



антимонопол қонунчиликнинг айрим нормалари бу соҳаларга татбиқ этилмайди. Телекоммуникация соҳаси “Телекоммуникация тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Монополияга қарши жараёнларни тартибга солишнинг самарадорлиги давлат томонидан уни тартибга солувчи органга берилган ваколатларга кўп томонлама боғлиқ бўлади. Бозор иқтисодиёти принциплари кучли бўлган мамлакатларда иқтисодиёт ўзининг ривожланиш даражаси билан ажралиб туради. Хўжалик юритувчи субъектлар эса юқори ҳуқуқий саводхонлик даражасига эга эканликлари билан характерланадилар ва антимонопол қонунчиликка мос келувчи минглаб ҳаракат (битим, келишув ва ҳоказо)ларни амалга оширадилар. Шундай бўлсада, давлат юқори ваколатга эга бўлган органлар воситасида жуда қаттиқ назорат олиб боради.

Япония ва Жанубий Корея каби давлатларда эса давлат сиёсатининг асосий йўналиши рақобат сиёсати эмас, балки мамлакатдаги бир нечта субъектларга имтиёзлар бериш орқали саноатни ривожлантириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва унинг дунё бозоридаги улушини оширишдан иборатлигини кўриш мумкин.

Монополияга қарши қонунчилик ва рақобат сиёсатини юритишда жаҳон амалиётини таҳлил қиладиган бўлсак, ривожланган мамлакатларга қараганда МДХ мамлакатлари қонунчилиги ва рақобат сиёсати Ўзбекистондаги ҳолатга анча мос келади. Худди Ўзбекистонда бўлганидек, аксарият МДХ мамлакатлари монополияга қарши давлат органлари ҳам зарур ахборотларни сўраб олиш, шу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш, антимонопол қонунчиликка шарҳлар бериш, текширишлар ўтказиш, антимонопол қонунчилик бузилганлиги тўғрисида иш кўзғатиш, уларни кўриб чиқиш, қарор қабул қилиш, кўрсатмалар бериш ва уларнинг ижросини назорат қилиш, жавобгарликка тортиш ва бошқа ваколатларга эгадирлар.

Лекин шундай бўлсада, улар ўртасида фарқ қилувчи жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан, Россия антимонопол органининг ваколатларига давлат харидлари устидан назорат олиб бориш ҳам киради. Ўзбекистонда эса бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ монополияга қарши давлат органи антимонопол қонунчилик билан биргаликда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва банкротлик тўғрисидаги қонунчиликларга риоя этилиш ҳамда тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари билан ҳам шуғулланади.



Қозоғистон ваколатли органи эса давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва нарх шаклланиши тартиби устидан назорат олиб бориш ваколатларига ҳам эга. Масалан, монополист корхоналар реестрига киритилган субъект монопол маҳсулот (иш, хизмат) нарhini оширишдан олдин бу тўғрида ва нархнинг оширилиши сабаблари тўғрисида антимонопол органга хабар бериши лозим. Ўзбекистонда эса бу молия органлари ваколатига киритилган.

Қозоғистон монополияга қарши органи ваколатларининг яна бир фарқли томони шундаки, у бозордаги улуши 35 фоиздан ошган ва бозорда устун мавқега эга бўлиб турган хўжалик юритувчи субъектларгагина бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма бера олади.


Бундан ташқари, “устунлик мавқе” тушунчаси ҳам турли давлатлар қонунчилигида турлича талқин қилинган.

Масалан, АҚШ қонунчилигида “устун мавқе” тушунчаси мавжуд эмас. АҚШ юриспруденциясидаги монопол (ёки бозор) ҳокимияти тушунчаси қонунларда тилга олинмасда, АҚШ Олий Суди (1956) томонидан белгиланган. Унга кўра, монопол ҳокимият бозор нархларини назорат қилувчи ва рақобатни истисно қилувчи ҳокимиятдир.

Европа иттифоқи қонунчилигида ҳам бу тушунча келтирилмаган. Шунинг учун Европа Комиссияси, худди Европа Суди каби диққат эътиборни корхоналарнинг бозорда эркин ҳаракат қила олиш қобилиятига ва уларнинг эркин ҳаракати натижаларига қаратади.

Мисол учун, Комиссия томонидан “Континентал Кэн” компанияси ишини кўриб чиқишда корхонанинг эркинлиги ва нархлар устидан ҳокимлигини бозор ҳокимлиги деб баҳолаган. Корхоналар ўз рақобатчиларининг, харидорларининг ва етказиб берувчиларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда эркин ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлса, ушбу корхона устун мавқега эгадир. Шунингдек, бундай корхоналар кўриб чиқиладиган товар (хизмат) бозорининг асосий қисмида ишлаб чиқариш ёки сотишни назорат қилиш ёхуд нархларни белгилаш устунлигига эга бўладилар.

Россияда товар бозорларида устунлик мавқени аниқлаш усуллари молия бозорларидагидан кескин фарқ қилади. Шунингдек, Россияда бозордаги йирик корхоналарнинг улушини аниқлаш орқали коллектив ҳолда устун мавқега эга бўлиш ҳолатлари ҳам кўриб чиқилади. Россия



антимонопол қонунчилигининг дунё стандартларига тўғри келадиган устунлик томонларидан яна бири корхона бозорда жуда катта улушга эга бўлса ҳам унга бундай устунлик мавқега эга бўлишга имконият берилади. Албатта у бу устунлик мавқеини суиистеъмол қилмаслиги керак бўлади.

Бундан ташқари, Россия товар бозорида 50 фоиздан ошқ улушга эга бўлган корхоналар устун мавқега эга деб тан олинади. Агар корхона бозордаги улуши 50 фоиздан ошса ҳам устун мавқега эга эмаслигини исботласа, у устун мавқега эга эмас деб топилиши ҳам мумкин. Бозорда 35 фоиздан кам улушга эга субъектлар (бир нечта истисно ҳолатлардан ташқари) устун мавқега эга деб тан олинмайдилар.

Қозоғистонда эса бозордаги устунлик мавқе даражаси ҳар йили ҳисоблаб чиқилади. Қозоғистон монополияга қарши қонунчилигига мувофиқ, бозорда ушбу белгиланган даражадан юқори улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларгина устунлик мавқега эга деб тан олинадилар.

Устунлик мавқега эга бўлган корхоналар қайси бир мамлакатда бўлмасин, уларнинг устунлик мавқега эга эканликлари уларнинг қонунбузар эканликлари ва монополияга қарши давлат органи томонидан уларга нисбатан чоралар қўлланилиши керак деган маънони билдирмайди.

Масалан, Россия Федерациясида монополист корхоналар реестри очикча эълон қилиниши мумкин ва бу рўйхат монополияга қарши давлат органига қайси корхоналар фаолияти юзасидан мониторинг ўтказиш кераклиги ва қайси корхоналар томонидан устунлик мавқени суиистеъмол қилиш ҳолатлари юзага келиш эҳтимоли борлиги тўғрисида хабардор бўлишини таъминлайди. Реестрга киритилган субъект эса Ўзбекистондаги каби ўз маҳсулот (иш, хизмат)и нархи (тариф ва рентабелликнинг чекланган даражаси)ни декларация қайдномасидан ўтказмайди.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси ва Украина монополияга қарши давлат органлари хўжалик юритувчи субъектларнинг бозордаги улуши қандай бўлишидан қатъи назар барча кўринишдаги горизонтал келишувлар ва келишиб қилинган ҳаракатлар устидан ҳамда бозордаги улуши 35 фоиздан ортиқ мавқега эга бўлган субъектларнинг горизонтал келишувлар (келишиб қилган ҳаракатлари) устидан назорат олиб борадилар. Ўзбекистонда эса товар бозорида 35 фоиз ва ундан ортиқ улушга эга бўлган субъектларнинг горизонтал келишувлари (келишиб қилган ҳаракатлари) ва қатнашчиларидан бири устун мавқега эга бўлган, бошқаси эса товар етказиб берувчи ёки унинг



харидори бўлган вертикал келишувлар устидан давлат назорати олиб борилади.

Россияда горизонтал ёки вертикал келишувларни амалга оширган субъектлар уларнинг келишувларининг ижобий томони салбий томонидан кўпроқ эканлигини исботлаб берган тақдирда уларнинг келишувлари Россия монополияга қарши органи томонидан ҳақиқий деб топилиши мумкин.

Шунингдек, Россия Федерация монополияга қарши давлат органи устунлик мавқега эга бўлган ва мунтазам равишда монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиб келаётган ёки ўз устунлик мавқеини суиистеъмол қилаётган тижорат ва нотижорат ташкилотларга уларни бўлиш ёхуд улар таркибидан бир ёки бир нечта ташкилотларни ажратиб чиқариш тўғрисида кўрсатма бериш ваколатига эга. Ўзбекистонда эса бундай ҳаракат монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига мувофиқ Суд томонидан амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, АҚШ, Япония ва Германия каби давлатларда нархнинг шаклланиши ва қўлланилиши билан боғлиқ қонунбузарликлар эмас, балки нархларни ўзаро келишиб олиш ва савдодаги товламачиликлар каби қонунбузарликларга кўпроқ дуч келинади. Бундай қонунбузарликлар молиявий қонунбузарликларга ўхшамайди, яъни бу қонунбузарликлар ҳеч қандай ҳужжатларда ўз аксини топмайди, балки аксинча норасмий характерга эга бўладилар. Шу сабабли, бундай ҳолатларни аниқлаш учун тезкорлик жуда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун АҚШ, Германия ва Франция каби ривожланган мамлакатлар монополияга қарши органларига кутилмаган текширишлар ва суриштирув ўтказиш ҳамда айрим ҳолатларда уларнинг сўзлашувларини (телефон ёки ўзаро суҳбат давридаги) эшитиш ва тинтув ўтказиш ваколатлари берилган.

Бундан ташқари, монополияга қарши сиёсатни амалга оширишда монополияга қарши қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун қўлланиладиган чоралар ҳам муҳим аҳамият касб этади ва ҳар бир давлатда ўзига хос характерли жиҳатларга эга ҳисобланади. Бундай чоралардан кўпроқ қўлланиладиган жарима чоралар ҳисобланади. Жарима чораларини қўллаш кўпгина хорижий мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам анча эркинлаштирилган.

Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши давлат органи томонидан хўжалик юритувчи субъектга монополияга қарши қонун



хужжатларини бузганлиги учун, масалан, асоссиз олинган даромадни муддатида ихтиёрий тўлаб берилган тақдирда унга нисбатан бошқа чора қўлланилмайди. Лекин, хўжалик юритувчи субъект асоссиз олинган даромадни белгиланган муддатда тегишли жамғармаларга тўлаб бермаган тақдирда монополияга қарши давлат органи томонидан хужжатлар Судга ўтказиб берилади ва Суд қарорига мувофиқ жарима қўлланилган субъект ҳам асоссиз олинган даромадни ҳам ушбу даромад устига қўлланилган жаримани тегишли жамғармаларга ўтказиб беришга мажбур бўлади.

Халқаро тажрибада эса, қонунбузарлик турига, унинг оғирлик даражасига ва етказилган зарар каби омилларга қараб жарима чоралар қўллашда дифференциал ёндашув мавжудлигини кўриш мумкин.

Масалан, Қозоғистонда монополияга қарши қонун хужжатларини бузганлик учун махсус белгиланган жарима миқдорлари мавжуд ва бу жарима миқдорлари корхона фаолиятига жуда салбий таъсир кўрсатадиган даражада оғирдир. Россияда эса энг юқори жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 баравари миқдорида (тахминан 17 минг АҚШ доллари) ва жисмоний шахслар учун эса анча камроқ белгиланган.

Европа стандартларига кўра эса жарима чоралари йиллик товар айланмасига мутаносиб равишда қўлланилади. Масалан, устунлик мавқеини суиистеъмол қилганлиги учун – йиллик товар айланмасининг 2 фоизи, картел келишувлари учун – 4 фоиз ва бошқа алоҳида ҳолатлар учун 10 фоиз миқдорида жарима чоралари қўллаш белгиланган. Германияда эса ноқонуний олинган даромаднинг 3 баравари миқдorigача жарима чоралари қўлланилади.

АҚШда эса “Шерман Қонуни”га мувофиқ қонунбузарлик ҳолатлари учун корпорацияларга 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда, жисмоний шахсларга эса 350 минг АҚШ долларига миқдорида жарима чоралари ёки Суд қарорига мувофиқ 3 йилгача қамоқ жазоси қўлланилиши белгиланган.

Бундан ташқари, монополияга қарши давлат органи томонидан хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахсга берилган кўрсатманинг ижро этилиши ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Чунки, қонунбузарлик ҳолати ушбу кўрсатмалар бажарилганидан сўнггина бартараф этилган ҳисобланади. Кўпгина мамлакатларда монополияга қарши давлат органи кўрсатмасини бажармаганлик учун ҳам қаттиқ жавобгарлик чоралари белгиланган. Масалан, Қозоғистонда монополияга қарши давлат органи



томонидан мансабдор шахсга берилган кўрсатманинг бажарилмаслиги ёки унинг бажарилишига совуққонлик билан муносабатда бўлиниши ушбу мансабдор шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Францияда эса бундай ҳолат учун 2 ойдан 6 ойгача бўлган муддатга қамоқ жазоси ёки 7,6 минг ЕВРО миқдорида жаримага тортилади.

Шунингдек, АҚШ, Германия ва Японияда кўпгина ҳолатлар учун жиноий жавобгарлик чоралари ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, АҚШда субъектлар монополияга қарши давлат органи (Федерал Савдо Комиссияси)га маълум бир иш юзасидан кўрсатма беришдан ёки саволларга жавоб беришдан ёхуд ушбу органнинг талабига мувофиқ ёзма маълумот беришдан бош тортган тақдирда ваколатли судлар томонидан айбдор деб топилиб, уларга нисбатан 1000 АҚШ долларида кам бўлмаган ва 5000 АҚШ долларида кўп бўлмаган миқдорда жарима чораси қўлланилади ёки 1 йилдан кўп бўлмаган миқдорда қамоқ жазосига тортилади. Ёлғон маълумот тақдим этиш эса АҚШ давлатига қарши қонунбузарлик ҳисобланиб, унга нисбатан 1000 АҚШ долларида кам бўлмаган ва 5000 АҚШ долларида кўп бўлмаган миқдорда жарима чораси қўлланилади ёки 3 йилдан кўп бўлмаган миқдорда қамоқ жазосига тортилади.

Худди шунингдек, Японияда ҳам қонунбузарликда гумон қилиниб монополияга қарши органга кўрсатма олиш ёки саволларга жавоб олиш мақсадида чақирилган шахс, объектив ва қонуний сабабларсиз етиб келмаса, ушбу шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилади.

Италияда эса антимонопол қонунчилиқни икки марта бузган хўжалиқ юритувчи субъект фаолияти 30 кун муддатга тўхтатиб қўйилади.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, рақобат иқтисодий фаолият субъектларининг шахсий манфаатларини рўёбга чиқариш борасидаги ҳаракатларини тартибга солувчи механизмдир. Шунингдек, рақобат иқтисодий муносабатларни узлуксиз ривожланишига ундайдиган куч ҳамдир.



## Ўзбекистонда рақобат муҳитининг ривожланиш истиқболлари.

Эркин тадбиркорлик, рақобат ва нархлар тизимига асосланган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётдаги аралашуви чекланган бўлади. Давлат бозор механизмининг амал қилишига кўмаклашади. Бунинг учун у иқтисодиёт субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини яратиб, “ўйин” қоидаларини белгилайди. Аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиб боришини, кам таъминланган аҳоли қатламлари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида аҳоли даромадларини солиқлар, трансферт тўловлари воситасида қайта тақсимлайди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш хусусий мулк кўламини кенгайтириш, унинг даҳлсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти ва танлаш эркинлигига, рақобатга асосланган бозор муносабатларини ривожлантиришга ҳамда давлатнинг иқтисодий функцияларини чеклаш билан узвий боғлиқ бўлади.

Бинобарин, Ўзбекистонда монополияга қарши сиёсат ресурсларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорларнинг эркин тарзда бозорга кириши, истеъмолчилар кенг ассортиментда, паст нархларда ва юқори сифатли товарларни танлаш эркинлигини таъминловчи рақобат муҳитини ривожлантиришни шакллантиришга йўналтирилгандир.

Республикада иқтисодиётни эркинлаштириш, рақобат муҳитини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган ютуқлар билан бирга ҳозирги кунда ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

- **Биринчидан, ҳозирги кунда давом этаётган иқтисодий-молиявий инқироз шароитида монополист корхоналар ва табиий монополия субъектларининг маҳсулот (иш, хизмат)лари нарх (тариф)ларини пасайтириш бўйича изчил чораларни кўриш лозим.**

Ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан авваламбор монопол мавқе ҳукмрон бўлган соҳаларга рақобатчиларнинг эркин киришлари учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш зарур. Бунда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг монополлашган тармоқларга кириб боришлари учун тўсиқларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик лозим.



Шунингдек, айрим табиий монополия соҳаларининг (стратегик аҳамиятга эга соҳалардан ташқари) мулкчилик шакллари ўзгартириш бўйича ишларни жонлантириш ва табиий монополия соҳасида рақобат муҳитини яратиш мумкин бўлган тармоқларни яна бир бор кўриб чиқиб, ушбу соҳага тегишли ҳуқуқий меъёрий базани такомиллаштириш керак.

**Ушбу вазифаларнинг бажарилишидан кўзланган самаралар:**

1) монопол мавқе ҳукмрон бўлган соҳаларга рақобатчиларнинг эркин киришлари учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни мавжудлиги ушбу соҳаларда рақобатнинг ривожланишига олиб келади. Бу эса нархларнинг арзонлашиши, маҳсулот сифатининг ва товарлар ассортиментининг ортиши каби ижобий ютуқларни келтириб чиқаради.

2) айрим табиий монополия соҳаларининг (стратегик аҳамиятга эга соҳалардан ташқари) хусусий мулкдорларга берилиши ишга бўлган муносабатнинг ўзгариши, истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ортишига ва тарифларнинг арзонлашишига олиб келади.

3) ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида монополист корхоналар ва уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишига эришилади, монопол маҳсулотлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларининг камситилишига барҳам берилади, монополияга қарши қонунбузарлик ҳолатлари камаяди.

• **Иккинчидан, Республикамиз иқтисодиётида юзага келаётган ижобий ўзгаришлар, рақобат муҳитининг кўпгина соҳаларда шаклланганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини янада чуқурроқ таҳлил қилган ҳолда мамлакатимиз иқтисодий ривожига ижобий ҳисса қўшувчи жиҳатларини ажратиб олиш ва шунга мувофиқ монополияга қарши қонун ҳужжатларига рақобатни ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиришлар киритиш зарур.**

**Бунда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:**

1. Акцияларни сотиб олишда гуруҳлар ҳолида, ўз қариндош-уруғлари ёки ўз тарафдорлари билан келишган ҳолда акциялар пакетларини сотиб олинишини олдини олиш мақсадида монополияга қарши қонун ҳужжатларидаги “бир гуруҳ шахслар” тушунчасига аниқлик киритиш ва унинг шартларини аниқ белгилаш;



2. Монополист корхоналар томонидан нархни кўтариш ёки атайлаб танқисликни келтириб чиқариш мақсадида товарни сотувдан олиб қўйиш бўйича ўзаро келишувларни ва бошқа ғаразли битишувларни ҳеч қачон қоғозда қилмайдилар, балки, ўзаро суҳбатларда ёки телефон орқали гаплашилганда келишиб оладилар.

Шу сабабли, шундай ҳолатларга дуч келинган тақдирда бу ишга тегишли органларни жалб қилган ҳолда ёки уларга ушбу қонунбузарлик ҳолатлари тўғрисида хабар берган ҳолда бундай ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўриш;

3. Амалдаги қонун ҳужжатларида ўзаро қўшилиш ёки бирлашиш ёхуд бирор бир субъектнинг 35 фоиз ва ундан ортиқ акция (улуш)ларини сотиб олиш ниятида бўлган субъектларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари жуда қисқа (10 кун) белгиланган бўлиб, хорижий давлатлар амалиётидан келиб чиққан ҳолда бундай мурожаатларнинг дастлабки кўриб чиқиш муддатини камида 30 кун қилиб белгилаш;

4. Корхоналарнинг ўзаро бирлашиши ва қўшилишларига рухсат берилгандан сўнг унинг товар бозоридаги кейинги ҳолатини назорат қилиб бориш механизми йўлга қўйилмаган. Хорижда эса қўшилиш, бирлашиш истагида бўлган субъектларга бозорда рақобатни ривожлантиришга шароит яратиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, зарарни бартараф этиш ёки камайтириш шарти билан вақтинча бирлашишга рухсат бериш амалиёти мавжуд.

#### **Ушбу вазифаларнинг бажарилишидан кўзланган самаралар:**

1) монополияга қарши қонунчиликда устунлик мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа қонунбузарликлар камаяди;

2) монопол тармоқларнинг сони камаяди ва ортиқча ҳаракатларнинг олди олинади.

3) акцияларни сотиб олиш орқали гуруҳ ҳолатида қонунбузарликларга йўл қўйиш ва монополияга қарши давлат органини чалғитиш ҳолатларига барҳам берилади.

4) монополист корхоналар томонидан нархни кўтариш ёки атайлаб танқисликни келтириб чиқариш мақсадида товарни сотувдан олиб қўйиш бўйича ўзаро келишувларни ва бошқа ғаразли битишувларни амалга ошириш каби салбий ҳолатларга чек қўйилади.



5) бозорларга барча рақобатчиларнинг эркин киришлари учун қўл шариит яратилади.

6) ўзаро қўшилиш ёки бирлашиш ёхуд бирор бир субъектнинг 35 фоиз ва ундан ортиқ акция (улуш)ларини сотиб олишнинг рақобат муҳитига ва иқтисодиётга таъсири бўйича ўтказиладиган таҳлилнинг чуқур амалга оширилишини ҳамда қабул қилинадиган қарорнинг оқилона бўлишига эришилади.

7) корхоналарнинг ўзаро бирлашганларидан ва қўшилганларидан сўнг қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйишлари ҳамда улар фаолият кўрсатадиган соҳаларда рақобатнинг чекланиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олди олинади.

**• Учинчидан, маҳаллий ҳокимият ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига бевосита аралашув ҳолатларига йўл қўймаслик, унга чек қўйиш юзасидан қатъий чоралар кўриш.**

1. Хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан корхоналарнинг фаолиятига асоссиз аралашув, рақобатни чеклаш ва сунъий тўсиқларни вужудга келтирганликлари учун жавобгарлигини ошириш ҳамда бу борада монополияга қарши қонунчиликлар меъёрий базасига тегишли тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

2. Асосий эътиборни рақобатнинг тенг шарт-шариитларини яратишга ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини асоссиз аралашувлардан ҳимоялашга қаратиш лозим.

3. Хўжалик бирлашмаларининг ўз таркибий тузилмаларига кирувчи мустақил корхоналарнинг оператив фаолиятига асоссиз аралашушига йўл қўймаслик шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармонларида белгиланганидек, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган



миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш лозим.

Зеро, мамлакатимиз Президенти ўзларининг “Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари асарларида ушбу масалага алоҳида урғу бериб ўтдилар.



## Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунга келиб рақобат сиёсати иқтисодий ўсиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шунингдек, рақобат қонунчилиги дунёда мавжуд бўлган иқтисодий қонунлар орасида ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Агар 1990 йилларда ушбу қонунлар 24 мамлакатда жорий этилган бўлса, БМТ маълумотларига кўра бугунги кунга келиб ушбу қонунлар 100 дан ошиқ мамлакатда амал қилмоқда.

Бундан ташқари, рақобат қонунчилиги иқтисодий эркинликни ҳар томонлама кафолатловчи меъёр сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда шубҳа йўқки, ҳалол рақобат муҳити иқтисодиётда уни ҳаракатга келтирувчи куч вазифасини ўтамоқда.

Рақобат муносабатлари иқтисодиётдаги ресурсларнинг оқилона тақсимланишини, баҳонинг ўз меъёрида, сифатнинг эса энг юқори даражада бўлишини, моддий таракқиётнинг юксалишини белгилаб берувчи омил бўлиб, шу билан биргаликда иқтисодий-ижтимоий муассаса (ташкилот)ларнинг қулай шароитларда фаолият кўрсатишлари учун замин ҳозирлаб беради.

Рақобат муҳитининг шаклланиши учун эса, монополист корхоналар сонини қисқартириш, уларга рақобатдош янги корхоналар ташкил этишга катта эътибор қаратилиши лозим. Бунинг учун эса биринчи навбатда айнан монопол тармоқларга кичик бизнес субъектларининг эркин киришлари ва фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилиши зарур.

Бундан ташқари, бугунги кунда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг деярли барча давлатларини бирдек ташвишга солмоқда ҳамда мазкур инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, унинг оқибатлари таҳлил қилинмоқда. Шу билан биргаликда ушбу инқирознинг салбий таъсирини камайтириш, унинг келтириб чиқарадиган оқибатларини юмшатиш ва уни бартараф этиш бугуннинг энг долзарб масаласига айланиб қолди.

Бугун мамлакатимизда Юртбошимиз бошчилигида ва у кишининг ташаббуслари билан молиявий инқирознинг моҳиятини англаб етиш, у етказиши мумкин бўлган зарар, хавф-хатар ва таҳдидлардан огоҳ бўлиш



ҳамда уни иложи борича тезроқ бартараф этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда, чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда молиявий инқирозга қарши қаратилган чораларнинг энг муҳимлари сифатида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада кучайтириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, таркибий ўзгаришларни ва иқтисодий диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш, мамлакатни модернизация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу тадбирларни амалга оширган ҳолда корхоналаримизнинг, айниқса ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ва маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг ривожланган давлатлардаги рақобатчилар билан ўзаро рақобатда ютиб чиқишларини таъминлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва тежамкорликка эришиш энг муҳим вазифалардан бири эканлигига алоҳида урғу берилмоқда.

Шунингдек, кичик бизнес субъектлари олдида турган муаммолардан бири бўлган фаолиятни амалга ошириш учун айланма маблағларнинг етишмаслиги муаммоларини ҳал қилиш, банклар томонидан ажратилаётган кредит фоиз ставкаларининг пасайтирилиши ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш бўйича базани такомиллаштириш керак бўлади.

Шу ўринда монополист корхоналар томонидан қонунбузарлик ҳолатига йўл қўйилганлиги учун қўлланиладиган жарималардан тушадиган маблағларнинг бир қисмини махсус жамғарма тузиб, ушбу жамғармаларда тўплаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредит шаклида берилишини йўлга қўйиш мумкин. Бу эса кичик бизнес субъектларини кредит ресурслари билан таъминлашга кўмаклашади.

Шу билан биргаликда, монополияга қарши давлат органи ва молия органлари биргаликда монопол ва табиий монополист корхоналарнинг нархлар ва тарифларининг шаклланиши ҳамда ўзгариш динамикасини доимий равишда таҳлил қилиб боришлари, шунингдек уларда ортиқча харажатларни қисқартириш, нархлар (тарифлар)ни пасайтириш бўйича



максимал имкониятларни излашлари, харажатларни қисқартириш бўйи корхонадаги заҳира вариантларни излаб топишлари зарур.

Чунки амалиётда шундай ҳолатлар кузатилмоқдаки, монополист корхоналар нархларни пасайтиришдан манфаатдор бўлмаганликлари учун аксарият ҳолларда улар томонидан нархларни юқори кўтаришга интилиш ва ортиқча даромад олиш ҳолатларига дуч келинмоқда.


Ҳолбуки, бундай монополист корхоналарнинг нархларини шакллантириш ҳолатлари кузатилганда таннарх таркибига асосиз харажатларни киритиш, амалда фойдаланилмаган материалларни нархларни шакллантиришда назарда тутиш, белгиланган меъёрлардан ортиқча табиий йўқотишларга йўл қўйиб бериш, лўнда қилиб айтганда харажатларни қисқартириш имкониятлари мавжуд бўла туриб бундан қочиш ҳолатлари бугунга қадар мавжуд бўлиб қолмоқда.

Ушбу рисолада мамлакатимизда рақобат муҳитини шакллантириш ва уни ҳимоя қилиш бўйича юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш ҳамда монополияга қарши қонунчилик базасини такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиб, уни амалда татбиқ этиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зеро, мамлакатда рақобатни ривожлантирмай ва рақобатнинг ривожланиши учун қулай муҳитни яратмай туриб, мамлакатнинг иқтисодий кудратини ошириш ёки иқтисодий барқарорлик ва етукликка эришишни тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, эркин бозор иқтисодиётининг негизини ташкил этувчи бозор муносабатларидан бири – бу рақобат ҳисобланади.

Шундай экан, мамлакатимиз бозорларида рақобат муҳитини яратишга ва уни ҳимоялашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширмасдан туриб, халқимизнинг маҳсулот (иш, хизмат)лардан сифатли ҳамда кафолатли фойдаланиши, уларни арзон нархларда харид қилиниши, маҳсулотларнинг муқобиллигини ва истеъмолчилар манфаатларини тўлиқ қондирилишини тасаввур этиб бўлмайди.

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар мамлакатда рақобат муҳитининг шаклланганлиги натижасида бозор иштирокчилари ўз манфаатларини тўлароқ қондиришлари, ишлаб чиқаришга янги инвестицияларни жалб қилиш, замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш, маҳсулотлар сифатини ошириш, унинг



ҳаққоний нарҳини аниқлаш ҳамда кўпроқ турдаги маҳсулотларни бозорда  
таклиф этиш имкониятига эга бўлиш йўлида имкониятлар эшигини очиб  
бермоқда.



## Изоҳли луғат

**товар** – сотиш (алмаштириш) учун мўлжалланган фаолият маҳсули бўлиб, ишлар ва хизматлар ҳам шунга киради.

**бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар** – белгиланган вазифаси, қўлланилиши, сифати ва техникавий тавсифлари, нархи ва бошқа жиҳатларига кўра таққосланиши мумкин бўлган товарлар гуруҳи.

**товар бозори** – товарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир исмидаги муомала доираси бўлиб, у республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин.

**нарх тизими** – бозор иқтисодиётидаги шундай механизмки, унинг ёрдамида талаб ва таклифнинг таъсири остида эркин нархларнинг ўзгариши жараёнида товар ва хизматлар, танқис ресурсларнинг тақсимоти амалга оширилади.

**хўжалик юритувчи субъектлар** – товарлар ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш ва хизматлар кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар, шу жумладан хорижий юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган холда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар.

**рақобат** – хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари ҳар бир субъект томонидан тегишли товар бозоридаги товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имкониятини чеклайди.

**инсофсиз рақобат** – хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида устунликни қўлга киритишга қаратилган, қонун ҳужжатларига ва иш муомаласи одатларига зид бўлган, улар ўртасида мусобақалашувни истисно этадиган ва амалга оширилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектларга тегишли товар бозорида товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имконини берадиган ҳаракатлари.



**устун мавке** – ўрнини босувчиси бўлмаган товар бозорида ёки бошқа бирининг ўрнини босадиган товарлар бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг (бир гуруҳ шахсларнинг) ўзига (ўзларига) рақобатни чеклашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга кириш эркинлигини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳукмрон мавке. Бозордаги улуши олтмиш беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъектнинг (бир гуруҳ шахсларнинг) мавкеи устун мавке деб эътироф этилади.

**мутлоқ (соф) монополия** – хўжалик юритувчи субъект товар бозорида ягона сотувчи ёки харидор бўлган вазият.

**монополистик фаолият** – хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополияга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, рақобатга йўл қўймасликка, уни чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

**нарх соҳасида камситиш** – маҳсулот етказиб берувчининг бошқа шароитлар тенг бўлгани ҳолда ўз маҳсулотини муайян бир харидорга бошқа харидорларга нисбатан юқорироқ ёки пастроқ нархда сотиши.

**камситувчи шартлар** – маҳсулот ишлаб чиқарувчи корxonанинг истеъмолчиларга шартнома моҳиятига даҳли бўлмаган турли шартларни мажбуран қабул қилдириши.

**ноўғри таққослаш** – муайян рақобатчини ёки умуман барча рақобатчиларни, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган ва (ёки) сотилаётган товарларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг товарларига нисбатан ёмонлаб таққослаш ёки фикр билдириш.

**монополь қиммат нарх** – товар бозорида устун мавкега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўлалигича фойдаланмаслик туфайли қилган асоссиз харажатларини қоплаш ёки товар




сифатини пасайтириш натижасида қўшимча фойда олиш мақсадида товар белгилаган нархи.

**монопол арзон нарх** – товар бозорида харидор сифатида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг сотиб олаётган товарига қўшимча фойда олиш ёки килинган асоссиз харажатларни сотувчи ҳисобига қоплаш мақсадида белгилайдиган нархи ёхуд товар бозорида сотувчи сифатида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг сотаётган товарига онгли равишда шу товарни сотишдан зарар кўрадиган даражада белгилайдиган нархи бўлиб, уни белгилаш натижасида бозордан ракобатчиларни сиқиб чиқариш йўли билан ракобат чекланади ёки чекланиши мумкин.

**шахслар гуруҳи** – шахслар йиғиндиси, уларга татбиқан қуйидаги бир ёки бир неча шартлар бажарилади:

битим ёки келишиб олинган ҳаракатлар натижасида, шу жумладан олди-сотди, мол-мулкни ишончли бошқариш, биргаликдаги фаолият, топширикнома, ижара шартномалари асосида ёки бошқа битимлар асосида ҳал этувчи таъсир кўрсатиш учун етарли бўлган акциялар назорат пакетини ёки овозлар сонини бевосита ёки билвосита биргаликда тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки бир неча шахслар. Бунда юридик шахснинг овозларини билвосита тасарруф этиш деганда бу овозларни учинчи шахслар орқали амалда тасарруф этиш имконияти тушунилади, биринчи шахс учинчи шахсларга нисбатан юкорида санаб ўтилган ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлади; икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида шартнома тузилиб, унга кўра шартнома катнашчиларидан бири ёки бир канчасининг ёхуд бошқа шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш шартларини белгилаш ёинки улар ижроия органи вазифаларини бажариш ҳуқуқи қўлга киритилади; шахс юридик шахс ижроия органи ва (ёки) директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибининг эллик фоизидан ортигини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади;



айни бир жисмоний шахсларнинг ўзи икки ва ундан ортик юридик шахсга ижроия органи ва (ёки) директорлар кенгаши таркибининг эллик фоиздан ортикrogини ташкил этади.

**Мукаммал (ёки соф) рақобат** – шундай рақобатки, бунда бозорда сотувчилар ва харидорларнинг сони жуда кўп миқдорда бўлиб, улар бозордаги нархга таъсир эта олмайди ва монопол мавқеидан фойдаланиб, бозордаги иштирокчиларни ўз измига юрита олмайди. Шунингдек бу шароитда кураш доираси жуда кенг бўлиб, мавжуд тармоққа кириш ва ундан чиқиш ҳамда ушбу тармоқ тўғрисида ахборот олиш эриқлиги кафолатланган бўлади.

**Номукаммал рақобат** – бунга тескари бўлиб, бу табиатан монопол бўлиб, рақобат бир мунча чекланган бўлади. Яъни бунда ката улушга эга бўлган корхоналар ва фирмалар рақобатлашадилар.

**Монополистик рақобат** – бунда кўп сонли ва унча йирик бўлмаган ишлаб чиқарувчилар айнан бир хил бўлмаган аммо ўхшаш товарларни таклиф этадилар.

**Олигополистик рақобат** – шароитида рақобат тор доира ичида юз бериб, бунда озчилик лекин йирик ишлаб чиқарувчи ёки фирмалар қатнашадилар ва ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини назорат қиладилар.

**Табий монополия** – товар бозорининг ҳолати бўлиб, унда технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

**Картель** – нархлар ва фойдани ошириш мақсадида маҳсулот ҳажмини чеклашга келишиб олган ишлаб чиқарувчилар уюшмаси.



## Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати

### I. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил 27 декабрь.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири). 1999 йил 19 август.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сонли қарори.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 1997 йил 31 мартдаги 165-сонли қарори.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 225-сонли қарори.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Табиий монополиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сонли қарори.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмини жорий этишни давом эттириш тўғрисида”ги 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли қарори.



- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2001 йил 9 мартда 1014-рақам билан рўйхатдан ўтган “Товар бозорлари чегарасини аниқлаш ва хўжалик юритувчи субъектларни монополист деб тан олиш тартиби тўғрисида”ги Низом.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2001 йил 15 сентябрда 1064-сон билан рўйхатга олинган “Монополист бирлашмалар (корхоналар) Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

## **II. Китоблар ва рисоалар**

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 56.
- 2.2 Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 71.
- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 186-187.
- 2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 308.
- 2.5. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 57.
- 2.6. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. - Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 55.
- 2.7. А.Смит Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: 1962. – Б. 332.
- 2.8. А.Тошқулов., У.Тўлаков., Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаблари ва таъсири. – Қарши.: Насаф, 2009.
- 2.9. Большой энциклопедический словарь – М.1998. стр.562.
- 2.10. А.Жалолов, Қ.Ҳақназаров «Мустақиллик изоҳли луғат» Тошкент 1998. 184-185 бетлар.



- 2.11. Современный бизнес Учебник В 2т 1995 Т.1 с195.
- 2.12. Костусев А.А. Конкурентное законодательство Украины. Киев-2002. стр. 6-11.
- 2.13. Салимов И.К. “Цены и ценообразование”. Москва ЗАО “Финстатинформ”. 1999 г.
- 2.14. Д.Н.Владиславлев. “Конкуренция и монополия на фондовом рынке”. Москва-2001.
- 2.15. Р.Бонер., Р.Лрюгер. Основы антитрестовской политики. Обзор десяти стран и Европейского Союза. USIAD.1998.
- 2.16. Согомонов Ю.В., Гутман Г.В. Приватизация в странах Восточной Европы и её антимонопольное направленность. Владимир.1991.
- 2.17. Ячеисто Н.И. Международная конкуренция: законодательство, регулирование и сотрудничество. Нью-Йорк и Женева. ЮНКТАД.2001.
- 2.18. Тотьев К.Ю. Конкурентное право. Москва РДЛ. 2000.
- 2.19. Тотьев К.Ю. Антимонопольное право России. Москва РДЛ. 1997.
- 2.20. Абулкосимов Ҳ., Набиев Э. ва бошқалар. Эркин иқтисодиёт тамойиллари. Т. “Академия” 2005. 5-6 ва 27-бетлар.
- 2.21. Портер М. Международная конкуренция. – М.: Межденар.отношения, 1993. С. 51, 58 и 149.

### **III. Рўзнома ва журналлар**

- 3.1. Ўзбекистон Республикасининг Молиявий қонунлари (Молиявий органларнинг ойлик махсус журнали). 2001-2008 йиллардаги сонлари.
- 3.2. Журнал «10 лет Государственного комитета по демополизации, поддержке конкуренции и предпринимательства» Т., 2006. стр-9 и 17.
- 3.3. Бахрамов А., Кучкаров Б. и др. //Экономическое обозрение. № 2 (54) 2004 стр. 4-9.
- 3.4. Дубровская В.К. «В.Призме Антимонопольной политики. //Экономическое обозрение. № 3 (90) 2007 стр. 45-46.



#### IV. Статистик тўплам ва манбалар

- 4.1. Доклад Г.Люц., Й.Деппе. Административное право в Германии. ГТЦ. 2004.
- 4.2. Конкурентная политика опыт внедрения и перспективы. 2003.
- 4.3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2001-2008 йиллик ҳисоботлари.
- 4.4. Улашев Б. и др. Сравнительный анализ полномочий антимонопольных органов зарубежных стран по применению мер правового воздействия. Т. 2006 г.
- 4.5. Федеральная антимонопольная служба. Основные задачи ФАС России 2005-2008 гг. Москва-2005.
- 4.6. Сравнительный анализ антимонопольного законодательство зарубежных стран и Республики Узбекистан. Т-2006.
- 4.7. Федеральная антимонопольная служба. Наиболее важные дела Федеральной антимонопольной службы. Москва-2005.
- 4.8. Центр по совершенствованию антимонопольной политики. Зарубежный опыт регулирования слияний. Тошкент-2006.

#### V. Интернет манбалар

- 5.1. <http://www.antimon.uz>.
- 5.2. <http://sies.uz/e-library/ilmmaq.html>
- 5.3. <http://www.gofas.ru>
- 5.4. <http://www.antimonopol.ru>
- 5.5. <http://www.pavlodar.com>



## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| КИРИШ.....  | 3  |
| Рақобат тушунчаси, вужудга келиши ва қонунчилик<br>асосларининг шаклланиш босқичлари.....     | 6  |
| Рақобатнинг кўринишлари ва иқтисодиётда тутган ўрни .....                                     | 14 |
| Ўзбекистонда рақобат муҳити ва уни ҳимоя қилиш усуллари.....                                  | 23 |
| Рақобат жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш<br>йўллари .....        | 30 |
| Рақобат жараёнларининг хорижий давлатлардаги кўринишлари ва илғор<br>тажрибаларни қўллаш..... | 33 |
| Ўзбекистонда рақобат муҳитининг ривожланиш истиқболлари.....                                  | 41 |
| Хулоса.....   | 46 |
| Изоҳли луғат.....   | 50 |
| Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати.....  | 54 |



Холиқов К.О., Дўсанов Р.Х.

## **Рақобат: назарияси, усуллари ва шаклланиши** **(илмий рисола)**

Илмий рисола Термиз давлат университети Илмий Кенгашининг  
2009 йил 4 июндаги 11 -сонли қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

Муҳаррирлар:

А.Тошқулов

Ў.Холиёров

Мусахҳих:

Б.Холиқов